

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали директори  
Ч.Р.Бегимкулов

“ 28 ” 2017 йил

**“ Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” интерактив  
хизматининг регламенти.**

**1. Хизмат таърифи**

**1.1 Хизмат номланиши**

Қисқа номи: “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш”

Кенгайтирилган номи: Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали (Кейинги ўринларда - Университет) расмий сайти орқали “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш”.

**1.2 Хизмат натижаси**

1-4 босқич талабалари ва 1-2 босқич магистрларидан академик таътилдан қайтиш бўйича университет директори номига электрон тарзда ариза қабул қилиш.

**1.3 Хизмат кўрсатувчи**

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

**1.4 Ҳуқуқий асослар**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларга академик таътил бериш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138]

**1.5 Хизматдан фойдаланувчилар:**

Хизматдан академик таътилга чиққан талабалар фойдаланиши мумкин.

## 1.6 Ариза бериш муддатлари

Талабанинг академик таътилдан қайтиш бўйича электрон аризаси академик таътил муддати тугашидан олдин (20 кун ) топшириши мумкин.

## 1.7 Бажариш муддатлари

Жавоб бериш: 7 кун

## 2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги маълумотлар берилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш таркиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва таркиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган хужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш низоми ҳақидаги маълумот.
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

### 2.2 Батафсил маълумот олиш

“Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида батафсил маълумотни университетнинг расмий сайти орқали олиш мумкин.

### 2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

## 3. Иш вақтлари мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

### 3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: Душанба-Шанба соат 08<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача

### 3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

7 кун

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1 Зарур бўлган хужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- Жисмоний шахснинг идентификацион рақами (ПИНФЛ).

#### 4.2. Хизмат тўлови:

Бепул

#### 4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга киритилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” хизмати танланади;
- “Академик татилга чиққан талабалар” маълумотлар базасидан академик таътилга чиққанлиги тўғрисида барча маълумотлар юкланади;
- маълумот тўғрилиги текширилади оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

#### 4.4 Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

1. Аизачининг маълумотлари Тошкент давлат аграр университетининг “Академик татилга чиққан талабалар” маълумотлар базасига олдиндан киритилган маълумотлар асосида базадан автоматик равишда текширилади ва аризанинг электрон нусхаси шакллантирилади.

2. Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими телефон рақами) томонидан жўнатилади.

3. Масъул ходим қайта таҳлил қилингандан кейин, талаба ҳақиқатдан академик таътилга чиққан бўлса, 3 (уч) кун ичида базага киритади ва бу ҳақида аризачига жавоб жўнатади.


Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.

4.5 рад этиш сабаблари.

- ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса;
- талаба талабалар сафидан четлатилган бўлса;
- талабанинг академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган бўлса;

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Мониторинг ва ички  
назорат бўлими бошлиғи

Б.Норматов   
“ 24 ” ноябрь 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ахборот  
технологиялари маркази бошлиғи

Н.Бойсунов   
“ 24 ” ноябрь 2017 йил